

қодиир», деса, Аллоҳ унга миллионта ҳасана ёзади ва ундан миллион ёмонликни ўчиради ҳамда уни миллион даражага кўтаради», дедилар».

Бошқа бир ривоятда: **«Уни миллион даражага кўтаради» жумласининг ўрнига «ва унга жаннатдан бир уй қуради», дейилган.**

Термизий ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг Ўзи ёлғиздир, шериги йўқдир. Мулк Униқидир ва ҳамд Униқидир, тирилтирур ва ўлдирур ва У тирикдир, ўлмас. Яхшилик Унинг қўлидадир ва У ҳар бир нарсага қодирдир».

Ўнг тарафи билан қиблага қараб, ҳадисларда келган дуоларни ўқиб ётиш ҳам уйқунинг одобларидандир.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда ухлашдан олдин

«نِوْ، اِهْمَحْرَافِ يَسْفَنَنْتْ كَسْمَمْ اَنْ اِفْ، هُغْفَرَا كَبَوِي بِنَجْ تَعَضَوِي بَرَكْمَسْرَابْ
«نِي حِلْ اَصْلَا كَدَابِعِ وَبُطْفَحَتْ اَمْبَاهُ ظْفَحْ اَفْ اَهْتَلَسْرَا».

«Бисмика Роббий, вазаъту жанбий ва бика арфаъуҳу. Фа ин амсакта нафсий, фарҳамҳаа ва ин арсалтаҳаа, фаҳфазҳаа бимаа таҳфазу биҳи ъибаадакас-солиҳийн» деган дуо ўқилиши айтилган.

Дуонинг маъноси: «Роббим, исминг ила ёнимни қўйдим ва Сенинг ила уни кўтарурман. Агар жонимни тутиб қоладиган бўлсанг, унга раҳм қилгин. Агар қўйиб юборадиган бўлсанг, уни солиҳ бандаларингни муҳофаза қиладиган нарса ила муҳофаза қил».

Имом Бухорий Оиша онамиздан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеча жойларига ётсалар, икки кафтларига «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъузу би-роббил фалақ» ва «Қул аъузу бироббиннаас» сураларини ўқиб, дам солиб, қўллари етган жойгача баданларига, бошлари ва юзларидан бошлаб, олд тарафларига суртиб ётар эдилар. Буни уч марта қилар эдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Икки хислат ёки одат бор. Мўмин банда уларни муҳофаза қилса, албатта жаннатга киради. Иккиси осондир ва уларга амал қиладиган оздир. Ҳар бир намоздан кейин ўн марта тасбеҳ айтади, ўн марта Аллоҳга ҳамд айтади ва ўн марта такбир айтади. Ўша ҳаммаси тилда бир юз элликта, тарозида бир минг беш юзта.

Қачон ётар жойини олса, ўттиз тўрт марта такбир, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз уч марта тасбеҳ айтади. Булар тилда юзта, тарозида мингта».

Батаҳқиқ, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг уларни қўллари билан санаётганларини кўрдим. Шунда:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Уларнинг оз бўлгани ва уларга амал қиладиган оз бўлиши қандай?» дейишди.

«Шайтон бирингизга уйқусида келади ва уни айтишидан олдин ухлатиб қўяди. Намозида келиб, уни айтишидан олдин ҳожатини эсига солади», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Мусулмон инсон уйқусидан олдинги охирги каломи Аллоҳ таолонинг зикри бўлиши учун ҳаракат қилади.

Шунингдек, кечаси таҳажжудга уйғонганда ҳам аввалги каломи зикр бўлиши учун ҳаракат қилади.

(давоми бор)